"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Шайхонтоҳур тумани халқ
таълими бўлими мудири в.б.

Б.Бакиев
___ декабрь 2022 йил

**Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими раҳбарлигида ўтказилган йиғилиш БАЁНИ**

09 декабрь 2022 йил — Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:** Б.Бакиев – Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими мудири в.б., комиссия раиси

**Қатнашганлар:** Халқ таълими бўлими масъул ходимлари, комиссия аъзолари

**КУН ТАРТИБИ**

1. 59-сонли умумий ўрта таълим мактабини жорий таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган электрон савдолари тўғрисида.

---

Б.Бакиев

Кун тартибидаги масала бўйича берилган ахборотлар маълумот учун қабул қилинсин. Ўтказилган электрон савдолари бўйича баҳолаш ишлари якунланиб ҳужжатлар ўрганилди.

**КУН ТАРТИБИ**

Шайхонтоҳур туманида ижтимоий иқтисодий вазиятни яхшилаш, туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасаларини 2022 йилда жорий таъмирлаш Очиқ бюджет биноан ҳамда 03.12.2022 йилдаги Давлат харидининг лот №194776-сонли электрон баённомасига мувофиқ 59-сонли мактабни жорий таъмирлаш ишлари тўғрисидаги электрон савдода қуйидаги пудратчи ташкилотлари "ООО Building Projekt servis", "ООО STROY KACHESTVO SERVIS", ASR BIZNES QURILISH MCHJ, ООО OZODBEKXURSHIDJON, KATTATOL SERVIS QURILISH MCHJ қатнашиб пудратчи ташкилотлари 100 баллик бахолаш мезонида иштирок этишган. Электрон савдода бошланғич нарх 1 165 925 965.сўм этиб белгиланган.

Ўтказилган электрон баҳолаш мезонлари натижасида "ООО Building Projekt servis", 91.6 балл ( 1 133 622 492 сўмга), ASR BIZNES QURILISH

Scanned with CamScanner

MCHJ 73 балл тўплаган (1 106 750 036 сўм) KATTATOL SERVIS QURILISH MCHJ 71.1 балл тўплаган (1 107 629 666 сўм) OOO STROY KACHESTVO SERVIS 71.1 балл тўплаган (1 107 629 666 сўм) OOO OZODBEK XURSHIDJON ўтиш балини йига олмади иш сифати яхшилиги ва малака тоифаси юқорилиги билан Комиссия томонидан танланган.

Юқоридаги электрон савдоларда иштирок этган пудратчи ташкилотларни кўриб чиқиб, 59-сонли умумий ўрта таълим мактабини жорий таъмирлаш ишларини максимал 100 баллик тизимда 91.6 балл тўплаган "OOO Building Projekt servis" ташкилоти 1 133 622 492 сўм билан ғолиб деб топилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, тендер ўтказилгандан сўнг 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай шикоят ва аризалар келиб тушмаганлиги сабабли комиссия аъзолари томонидан маъқулланди ва Комиссия раиси Б.М.Бакиев ушбу электрон савдолардан барчани розилигини инобатга олиб, комиссия

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "OOO Building Projekt servis" электрон савдоларида берган таклифи энг юқори балл (91.6 балл) тўплаган ва 1 133 622 492 сўмга 59-сонли умумий ўрта таълим мактабни жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун ғолиб деб топилсин.

2. Давлат харидлари бўйича мутахассис (Б.Изатуллаев):

Шайхонтоҳур туманидаги 59-сонли умумий ўрта таълим мактабни жорий таъмирлаш ишлари бўйича "OOO Building Projekt servis" билан шартнома тузилсин ҳамда ушбу шартнома бўйича хужжатлар расмийлаштирилсин.

3. Мазкур баённинг бажарилишини назорат қилиш Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси Ф.Хошимова зиммасига юклансин.

| | |
|---|---|
| Мудир ўринбосари, аъзо | Э.Эгамқулов |
| Бош муҳандис, аъзо | А.Турсунов |
| Бош иқтисодчи, аъзо | М.Турсунхўжаев |
| Бош муҳандис ўринбосари, аъзо | Қ.Амиржонов |
| Таълим сифати мониторинги бўлими бош инспектор-методисти, масъул котиб | О.Сотиболдиев |

Scanned with CamScanner

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

**№ 20 - сонли**

**Шайхонтохур тумани** «09» 12 **2022 йил**

Кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** деб юритиладиган Тошкент шахар Шайхонтохур туман Халк таълими бўлими тасарруфидаги 59-умумтаълим мактаби рахбари номидан **Низом** асосида иш юритувчи **Б.Бакиев** бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Building Rojekt Servis MCHJ» номидан **Низом** асосида иш кўрувчи И.Шопулатов иккинчи томондан Тошкент шахар Шайхонтохур туман Халк таълими бўлими тасарруфидаги 59-умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1.Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кўлланилади;

**-ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиклиги тўгрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тўгрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тўгрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўгрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

**-курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади;

**-вактинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

**-беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**-шартнома нархини бўлиб чикиш** – ишларнинг хар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгиланган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик Смета хужжатларида кўзда тутилган лойиха бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча соликлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини ўз ичига олган холда нархларда жами 1 133 622 492 (Бир миллиард бир юз уттиз уч миллион олти юз йигирма икки минг турт юз туксон икки

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;
- ишлар киймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортик муддатга ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;

Scanned with CamScanner

буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;
- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;
- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўгрисида хабардор килиш;
- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
- курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўгрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини унга тегишли курилиш машиналари ва асбоб - ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;
- курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;
- курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тўгрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини буюртмачига такдим килади.
-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади
8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблагларини мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.
9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тўлик хажмда такдим килади.
10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва карор кабул килиш;
-молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини такдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради.
15. Объектни __30__ календарь кунида фойдаланишга топширилиши белгиланади .

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» килинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишларига 15 % микдорида аванс ўтказади, бу ____170 043 373,8.____ сўмни ташкил этади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш учун бюджетдан максадли берилган маблағлар 10 банка кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)
19. Буюртмачи томонидан молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин хакикий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.
20. Пудратчининг хисоб ракамига тушадиган маблағлар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, мехнатга хак тўлаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект курилишининг [illegible]

Scanned with CamScanner

«Бажарилган ишлар киймати тўгрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» ўзи тузиб таклим килади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий таъмирлашни молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан кабул килиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тўгрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга кадар объектнинг тасодифий йўк килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини ёки техник аудиторни тайинлайди. у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

25. Беркитилган вакил ёки техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.

26. Пудратчи беркитилган вакил ёки техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Беркитилган вакил техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни хал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойхасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

28.Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.
Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.
Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вактга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## X. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:
- барча ишларни тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришини;
- лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни

бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;
- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килишни;
- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.
Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.
Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш хукукига эга.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

35. Буюртмачи:
- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш ишларини бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда:
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.
36. Пудратчи:
- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.
37. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.
38. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
39. Шартнома бекор килинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
40. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XII . ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида» ги конунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 395 сонли карори билан, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни коплайди
42. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган такдирда Буюртмачи Пудратчи олдида куйидаги холларда жавобгар бўлади ва:
- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг окибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тўлайди;
- буюртмачининг хисоб ракамига максадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунида сабабсиз пудратчининг хисоб ракамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% микдорида жарима тўлайди;
- шартномага мувофик ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар хажмини асоссиз равишда кабул килиб тасдиклашдан бош тортгани учун ушбу кабул килиш, тасдиклашдан бош тортган сумманинг 5% микдорида жарима тўлайди:
- шартнома шартларига мувофик тайёр холда кабул килиш учун таклим килинган объектни асоссиз равишда кабул килишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тўлайди;
43. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда Пудратчи Буюртмачи олдида куйидаги холларда мулкий жавобгар бўлади ва:

Scanned with CamScanner

-Ишларни бажариш жадвалида белгиланганлан кам хажмда ишларни бажарса , мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмидан хар кечиктирилган кун учун 0.5% микдорда пеня тўлайди.
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан хисобот ойининг охирги кунига калар тасдиклатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар кийматининг 5% микдорида жарима тўлайди;
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдордан кам бажарса, бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тўлайди;
- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр холда фойдаланишга топширмаса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тўлайди;
- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аникланган камчиликлар, нуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ўн кундан ортик бўлмаган) муддатда бартараф килмаса ушбу аникланган камчиликлар, нуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 5% микдорида жарима тўлайди.
44. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон ракамларини, корхона атамаси ёки макомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи томонга шартнома бахосининг 0,1% микдорида жарима тўлайди.
45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор килишга туғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни коплайди, амалдаги конунларда белгиланган тартибда.
46. Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 30% дан ошмаслиги керак.
47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга хаклидир.

## XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор килишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у холда улар конун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат килишлари мумкин.

## XIV.Тарафларнинг коррупцияга карши курашиш бўйича маъсулияти.

49. Тарафлар Шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупсияга карши кураршиш тўғрисида"ги конун талабларига сўзсиз амал килади.
50. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларни бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зимммасига олган холда, ушбу шартнома доирасида конун бузилишига олиб келадиган харакатлар (харакатсизлик)га йўл кўймайдилар.
51. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга карши курашиш сохасидаги талабларига риоя этиш баробарида куйидагиларга йўл кўймаслик мажбуриятини оладилар:
- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик килиш;
- товламачилик, ёки бошка ноконуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.
52. тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимларнинг рағбатлантиришнинг хар кандай шаклини рад этадилар.жумладан:
- тарафларнинг ёки вакилларидан маблағлари олиш, совғалар бериш. уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш ушбу харакат (харакатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига хар кандай харакатни бажаришни.
53. Тарафларга шартнома шартларни амалга оширишда сунъий тарафга нокулайликлар туғдириб, коррупсиявий омил пайдо бўлишига бевосита хамда билвосита сабабчи бўлиш таъкикланади.
54. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя килмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш холатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон килинганда шунингдек, шартноманинг 5.1 бандида белгиланган коидалардан бири содир этилганда ушбу харакат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор килиш мажбуриятини ўз зиммасига олади хамда шартнома шартлари ёки конун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиш сохасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат киладилар.

## XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

55. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар. томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.
56. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг

Scanned with CamScanner

олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
56. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
57. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмий тасдиқланган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
58. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
59. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.
60. Мазкур шартноманинг нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта кўриб чиқилади.
61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.
62. Мазкур шартнома томонлар имзолаиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначиликдан рўйхатдан ўтгандан кейин юридик кучга киради ва ушбу шартнома 31.12.2022 йилгача амал қилади.
63. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

| ПУДРАТЧИ: | БУЮРТМАЧИ: |
| --- | --- |
| "Building Proѕekt Servis" МЧЖ | Тошкент шахар Шайхонтохур Халк таьлими булими 59 умумталим мактаби |
| Манзил: Тошкент ш. Сергели тум | Манзил: |
| Телефон: 97 351 07 77 | Телефон: +99871 235 35 72 |
| х/р: 20208000905102808001 | х/р: 401722860262777092100075011 |
| ИНН: 306587554 | ИНН:200936514 ОКЭД:97600 |
| Банк: АИТБ "Ипак йўли банк" | Молия вазирлиги газначилиги |
| МФО: 01067 | х/р: 23402000300100001010 |
| ОКЭД: | Банк: Марказий банк Тош.ш |
| | МФО:00014 ИНН:201122919 |

Рахбар И. Шопулатов

М.Ў.

Ҳуқуқшунос

Рахбар В.Бакиев

М.Ў.

Scanned with CamScanner

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 194776 на приобретение услуга текуших ремонт 59 мактаб

Способ проведения электронный

Дата 06.12.2022

Время рассмотрения 03.12.2022 18:51

Закупочная комиссия Шайхонтохур туман Халк таълими бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | Bakiyev Baxrom Mirganiyevich | Komissiya raisi | Shayxontohur tumani xalq ta'limi bo'limi |
| **Член комиссии** | TURSUNOV ZAFARXO'JA ORIFOVICH | помощних хокима по развитию местной промышленности | Хакимят город Ташкент |
| **Секретарь комиссии** | SOTIBOLDIYEV OYBEK FARMONJONOVICH | Komissiya kotibi | Shayxontohur tumani xalq ta'limi bo'limi |
| **Член комиссии** | TURSUNXODJAYEV MIRMAXMUD XXX | Komissiya a'zosi | Shayxontohur tumani xalq ta'lim bo'li |
| **Член комиссии** | TURSUNOV AKROM DJAVDATOVICH | Injner | shtxtb |
| **Член комиссии** | AMIRDJANOV KADIR XADJIYEVICH | Komissiya a'zosi | Shayxontohur tumani xalq ta'limi bo'limi |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 06.12.2022 года № лота 194776.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту нежилых зданий** |
| Подробное описание | 59-мактаб |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 1165 925 965.00 |
| Стартовая сумма | 1165 925 965.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Критерий Общая информация об участнике

Тип: Текстовое значение

Описание: Участник должен представить следующие (1-8) информации на фирменном бланке: 1.полное наименование юридического лица, с указанием организационно-правовой формы, банковских реквизитов, ИНН 2.Юридический адрес 3.Номер и дата регистрации юридического лица 4.Информация об учредителях и бенефициарах (ИНН и ФИО список учредителей и др.) 5.Категория налогоплательщика (плательщик НДС или нет) 7.Необходимая деятельность организации в данном направление - не менее 3 лет

Scanned with CamScanner

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО Building Projekt servis | 15 | Умумий маълумотлар бириктирилди 24 варакда | 14 | Экспертная | | |
| ООО STROY KACHESTVO SERVIS | 15 | 15 | 10 | Экспертная | | |
| ASR BIZNES QURILISH MCHJ | 15 | 15 | 10 | Экспертная | | |
| ООО OZODBEK-XURSHIDJON | 15 | Общая информация об участнике | 3 | Экспертная | | |
| KATTATOL SERVIS QURILISH MCH | 15 | 1107629666 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Критерий Опыт работы участника на выполнение аналогичных работ.

Тип: Текстовое значение

Описание: Оценка проводится на основании информации, предоставленной в предложении. Участник должен перечислить выполнение основных видов работ, акты прем передач. В качестве подтверждения информации, прикладывается не менее двух положительных отзывов от заказчиков. Действуюшие контракти 2022 г. Максимальные баллы присваиваются претенденту с наилучшими показателями на данный вид деятельности

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО Building Projekt servis | 15 | Тажриба буйича батафсил маълумотлар бириктирилди 98 варакда | 14 | Экспертная | | |
| ООО STROY KACHESTVO SERVIS | 15 | 15 | 7 | Экспертная | | |
| ASR BIZNES QURILISH MCHJ | 15 | 15 | 9 | Экспертная | | |
| ООО OZODBEK-XURSHIDJON | 15 | Опыт работы участника на выполнение аналогичных работ. | 8 | Экспертная | | |
| KATTATOL SERVIS QURILISH MCH | 15 | 1107629666 | 8 | Экспертная | | |

Критерий №3 Критерий Наличие необходимых инструментов и оборудования для выполнения работ /услуг.

Тип: Текстовое значение

Описание: Оценка проводится на основании информации, предоставленной в предложении (документы и гарантийные письма, подтверждающие наличие техники, оборудования и инструментов необходимых для выполнения работ/услуг

Scanned with CamScanner

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO Building Projekt servis | 10 | мавжуд инструментлар ва техникалар руйхати бириктирилди 19 варакда | 9 | Экспертная | | |
| OOO STROY KACHESTVO SERVIS | 10 | 10 | 7 | Экспертная | | |
| ASR BIZNES QURILISH MCHJ | 10 | 10 | 9 | Экспертная | | |
| OOO OZODBEK-XURSHIDJON | 10 | Наличие необходимых инструментов и оборудовани | 6 | Экспертная | | |
| KATTATOL SERVIS QURILISH MCH | 10 | 1107629666 | 8 | Экспертная | | |

Критерий №4 Критерий Трудовые ресурсы

Тип: Текстовое значение

Описание: 1.2 Реестр электронных отправок отчетов ИНПС., Выписка из трудовой 1.3Максимальное количество баллов дается предприятиям с большим количеством сотрудников

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO Building Projekt servis | 10 | мехнат вазирлигининг сайтидан QR код билан маълумотлар бириктирилди 76 варакда | 9 | Экспертная | | |
| OOO STROY KACHESTVO SERVIS | 10 | 10 | 8 | Экспертная | | |
| ASR BIZNES QURILISH MCHJ | 10 | 10 | 7 | Экспертная | | |
| OOO OZODBEK-XURSHIDJON | 10 | Трудовые ресурсы | 4 | Экспертная | | |
| KATTATOL SERVIS QURILISH MCH | 10 | 1107629666 | 7 | Экспертная | | |

Критерий №5 Критерий Акт осмотр объекта

Тип: Текстовое значение

Описание: Справка об осмотри строительной площадки (с подписью и печатью)

Обязательность: Критично

Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO Building Projekt servis | 5 | акт осмотр бириктирилди | 4 | Экспертная | | |
| OOO STROY KACHESTVO SERVIS | 5 | 5 | 3 | Экспертная | | |
| ASR BIZNES QURILISH MCHJ | 5 | 5 | 4 | Экспертная | | |
| OOO OZODBEK-XURSHIDJON | 5 | Акт осмотр объекта | 3 | Экспертная | | |
| KATTATOL SERVIS QURILISH MCH | 5 | 1107629666 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №6 Критерий Финансовая устойчивость

Тип: Текстовое значение

Описание: Предоставление финансовых результатов предприятия за последние три года. Допускается участники с оборотным средством не менее 3млрд. оценка проводится по представленным бухгалтерским отчетам, (справка с банка о наличии денежных средств, справка с ГНИ об отсутствии бюджетных задолженностях) Участник должен представить следующие документы: 1.бухгалтерский баланс форма №4 (последние 3года) 2.отчет о финансовых результатов форма №2 (последние 3года) 3.оригинал справки из банка об отсутствии картотеки и задолжности по кредитам 5. Представить оферту. При положительном финансовом результате максимал

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO Building Projekt servis | 20 | молиявий холат буйича маълумотлар бириктирилди 46 варакда | 18 | Экспертная | | |
| OOO STROY KACHESTVO SERVIS | 20 | 20 | 15 | Экспертная | | |
| ASR BIZNES QURILISH MCHJ | 20 | 20 | 12 | Экспертная | | |
| OOO OZODBEK-XURSHIDJON | 20 | Финансовая устойчивость | 10 | Экспертная | | |
| KATTATOL SERVIS QURILISH MCH | 20 | 1107629666 | 11 | Экспертная | | |

Критерий №7 Критерий гаранти на стройматериалы и услуг.

Тип: Текстовое значение

Описание: Гарантийни письмо (Максимальный балл дается за гарантийный срок на качество строительных материалов и работ

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO Building Projekt servis | 10 | Кафолат хати бириктирилди | 9 | Экспертная | | |

Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО STROY KACHESTVO SERVIS | 10 | 10 | 5 | Экспертная | | |
| ASR BIZNES QURILISH MCHJ | 10 | 10 | 7 | Экспертная | | |
| ООО OZODBEK-XURSHIDJON | 10 | Гаранти на стройматериалы и услуг. | 4 | Экспертная | | |
| KATTATOL SERVIS QURILISH MCH | 10 | 1107629666 | 8 | Экспертная | | |

Критерий №8 Критерий Трудовые ресурсы и опыт работы.

Тип: Текстовое значение

Описание: Обеспеченность опытным и квалифицированным персоналом. Оценка проводится на основании информации, предоставленной в отборном предложении (предоставление документов, подтверждающих фактическое наличие указанных сотрудников, стаж их работы, квалификацию, информацию об опыте работ) Участник должен предоставить следующие информации: 1.список, стаж и занимаемая должность сотрудников (прикрепляется информация с сайта my mehnat uz из личного кабинета участника разделы: 1.1 Сведения о работниках - не менее 20 человек (персоналу со специальным сертификатом будут начисляться более высокие баллы)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО Building Projekt servis | 15 | мехнат вазирлиги сайтидан маълумотлар юкланди 95 варакда | 14 | Экспертная | | |
| ООО STROY KACHESTVO SERVIS | 15 | 15 | 11 | Экспертная | | |
| ASR BIZNES QURILISH MCHJ | 15 | 15 | 12 | Экспертная | | |
| ООО OZODBEK-XURSHIDJON | 15 | Трудовые ресурсы и опыт работы. | 6 | Экспертная | | |
| KATTATOL SERVIS QURILISH MCH | 15 | 1107629666 | 11 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО Building Projekt servis | 1 165 925 965.00 | 1 133 622 492.00 UZS | 1 133 622 492.00 | 00.00 | 1 133 622 492.00 | 01.12.2022 10:22:26 | 9.76295 |
| ООО STROY KACHESTVO SERVIS | 1 165 925 965.00 | 1 107 629 667.00 UZS | 1 107 629 667.00 | 00.00 | 1 107 629 667.00 | 01.12.2022 20:39:14 | 9.99206 |
| ASR BIZNES QURILISH | 1 165 925 965.00 | 1 106 750 036.00 UZS | 1 106 750 036.00 | 00.00 | 1 106 750 036.00 | 02.12.2022 11:41:08 | 10 |

Scanned with CamScanner

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ | | | | | | | |
| KATTATOL SERVIS QURILISH MCH | 1 165 925 965.00 | 1 107 629 666.00 UZS | 1 107 629 666.00 | 00.00 | 1 107 629 666.00 | 02.12.2022 15:12:13 | 9.99206 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| OOO Building Projekt servis | 81.9 | 9.76295 | 91.66295 |
| OOO STROY KACHESTVO SERVIS | 59.4 | 9.99206 | 69.39206 |
| OOO OZODBEK-XURSHIDJON | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| ASR BIZNES QURILISH MCHJ | 63 | 10 | 73 |
| KATTATOL SERVIS QURILISH MCH | 61.2 | 9.99206 | 71.19206 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 194776 от 06.12.2022 года на приобретение услуга текуших ремонт 59 мактаб определила победителем:

OOO Building Projekt servis
306587554

и резервный исполнитель: ASR BIZNES QURILISH MCHJ (304568223)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| Председатель комиссии | Bakiyev Baxrom Mirganiyevich | Согласен | |
| Член комиссии | TURSUNXODJAYEV MIRMAXMUD XXX | Согласен | |
| Член комиссии | TURSUNOV AKROM DJAVDATOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | TURSUNOV ZAFARXO'JA ORIFOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | AMIRDJANOV KADIR XADJIYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Scanned with CamScanner

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

GQ4045347226

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi №20

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Shayxontohur tumani xalq ta'limi tomonidan 09.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Shayxontoxur tuman yuridik markaz bosh yuristkonsulti:**

**R.R.SHODMANOV**

09.12.2022

Scanned with CamScanner